

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ТУРСУНОВ АНВАР СУЛТОНОВИЧ**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИСЛОМИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

УДК: 336.734:347.71

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
economical sciences**

**Турсунов Анвар Султонович**

Тижорат банкларида исломий банк хизматларини ривожлантириш  
йўналишлари..... 3

**Турсунов Анвар Султонович**

Направления развития исламских банковских услуг в коммерческих  
банках ..... 27

**Tursunov Anvar Sultonovich**

Direction of implimenting islamic banking services in commercial banks..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ТУРСУНОВ АНВАР СУЛТОНОВИЧ**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИСЛОМИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Iqt1367 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Жумаев Нодир Хосиятович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Сагтаров Одилжон Бердимуратович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Қаралиев Шербек Турабоевич**  
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Алоқабанк АТБ**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_»

\_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: [rector@tsue.uz](mailto:rector@tsue.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**К.Б. Ахмеджанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раис ўринбосари, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**У.В. Гафуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**С.К. Худойкулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Исломий банк тизими тез ривожланаётган анъанавий банк тизимига нисбатан муқобил тизим сифатида дунёда танилди ва қисқа муддатда тўлиқ шаклда тижорат банклари билан рақобатлаша оладиган яхлит механизмга айланди. Тижорат банкларидан фарқли равишда, исломий банклар молиялаштиришда фойда ва зарарни иштирокчилар ўртасида мутаносиб тақсимлаш воситасида тадбиркор ва ишбилармонларни ўзига жалб эта олди. Жаҳон миқёсида 48 та мамлакат ислом молиясини жорий этган бўлиб, уларнинг таркибида кўп сонли мусулмон аҳоли яшайдиган мамлакатлардан ташқари, аҳолисининг камчилик қисмини мусулмонлар ташкил этадиган мамлакатлар, жумладан: Буюк Британия (4,4%), АҚШ (0,9%), Сингапур (14%), Швейцария (5,2%), Канада (3,2%), Австралия (2,6%), Франция (9%), Германия (5%), Россия (15%) ва Испания (2,1%) каби мамлакатлар ҳам исломий банк хизматларидан фойдаланмоқда<sup>1</sup>. Бу тизим ўзининг адолатлилиги, молиявий инқирозга учраш даражасининг пастлиги билан нафақат мусулмонларни балки бошқа дин вакиллари ҳам ўзига тортди.

Банк тизимининг умумий устав капиталида нодавлат сектори улушини ошириш, жисмоний ва юридик шахслар талабларини ҳисобга олган ҳолда депозит ва омонатларнинг янги турларини жорий этиш, банк облигацияларини хорижий давлатларда жойлаштириш орқали молиявий ресурсларни жалб қилиш, банк хизматларининг сифати ва кўламини рақамли технологияларни кенг қўллаш орқали кенгайтириш йўналишларида тадқиқот олиб борилмоқда. Шунингдек, янги йўналишлардан бири бўлган исломий банк хизматларини тижорат банкларида жорий қилиш ва ривожлантириш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда молия-кредит тизимида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар асосий йўналиши, уларнинг фаолиятида бозор таомилларини кенгроқ жорий этиш, молиявий барқарорлигини ошириш, капитал таркибида давлат улушини камайтириш, молия ва валюта бозорини либераллаштириш, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш билан боғлиқ муаммоларнинг ечимига қаратилмоқда. Жумладан, “худудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтириш”<sup>2</sup> масалалари бўйича ечимларни топишда мамлакат молия-кредит тизимининг ўрни ва аҳамияти, шунингдек муқобил банк хизматларини жорий қилиш юзасидан илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 сентябрдаги ПФ-5308-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

<sup>1</sup> Islamic Financial Services Industry Stability Report 2020, p12

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”, 2019 йил 5 мартдаги ПҚ-4224-сон “Ислом тараққиёт банки гуруҳи ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари билан шерикликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги фармонлари», 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 23 мартдаги 3620-сон “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа ушбу соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тижорат банкларида исломий банк хизматларини ташкил қилиш ва тижорат банкларини исломий банкга ўзгартириш билан боғлиқ айрим муаммолар жаҳон иқтисодчи олимлари томонидан тадқиқот олиб борилган. Жумладан, Abu Homid Ghazzali, Muhammad Umar Chapra, Yusuf Kharzoviy, Taqi Usmani, Alexander Walters, Nichita M., Kagitsi M., Vulpoi M., Lone A, Al-Shehri S., Muhammad Tariq Majeed, Abida Zanib, Ahmad. W., Juan Sole, Houssain K., Hassani Mohammad, Noor Ahmed Memon, Iqbal Z., Mirakhor A., Bidaulet Yerlan<sup>3</sup> ва бошқаларнинг илмий ишларида маълум даражада ўрганилган. Ўзбекистонда юртимиз олимларидан Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф “Бозор ва унга боғлиқ масалалар”, “Қарз ва унга боғлиқ масалалар” асарларида исломий банк хизматларига оид маълумотлар келтирилган. С.Абборов томонидан “Ўзбекистонда сукук-исломий қимматли қоғозларни жорий этиш истиқболлари” мавзусида илмий тадқиқот олиб борилган. Шунингдек,

---

<sup>3</sup> Nichita, M., Kagitci, M., & Vulpoi, M. (n.d.). Islamic Banking System: The Case of the Kingdom of Saudi Arabia. Romanian Economic and Business Review 2013.; Islamic banking in South Asian Countries. *Economia. Seria Management*, 17(2), 223-237. Muhammad Tariq Majeed, & Abida Zanib. (2016). Efficiency analysis of Islamic banks in Pakistan. *Humanomics*, 32(1), 19-32. doi:10.1108/H-07-2015-0054; Ahmad, W. (2008, October 6). Islamic banking in the United Kingdom: opportunities and challenges.; Houssain Kettani Article in *International Journal of Environmental Science and Development* · January 2014.; Noor Ahmed Memon (2007). Islamic Banking: Present and Future Challenges, *Journal of Management and Social Sciences*, Vol. 3, No. 1, (Spring 2007) pp.01-10.; Iqbal, Z., and Mirakhor, A. 2007. *An Introduction to Islamic Finance, Theory and Practice*. Singapore: John Wiley & Sons (Asia) Pte. Ltd.; Rimma K. Sagiyeva, Laura A. Kuanova “Analysis of Islamic Finance development in Kazakhstan: overview and prospects” *Экономика: стратегия и практика*, № 3 (14), 2019 г.; Bekkin R.I., 2009, *Islamic economic model and modernity*. Marjani Publishers, Moscow.; Alexander Walters, *Islamic Finance in the States of Central Asia: Strategies, Institutions, First Experiences-2013* - PFH Gottingen.; Bidaulet Yerlan. *Basics of the ethical Islamic finance*. Almaty -2014.

Ҳ.Нусратхужаев, Х.Хасанов, Т.Бобоқуловлар<sup>4</sup>нинг илмий изланишларида ислом иқтисодиёти ва банк тизимида оид маълумотлар мавжуд. Аммо, Тижорат банкларида исломий банк хизматларини ташкил қилиш ва ривожлантириш масалалари бўйича кенг қамровли, илмий-назарий ва амалий жиҳатдан яхлит бирорта ҳам тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация мавзуси Тошкент молия институтининг тадқиқот ишлари режасига киритилган устувор йўналишлар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бўлиб, тижорат банкларида исломий банк хизматларини ташкил қилиш ва уни ривожлантириш орқали молия-кредит тизимининг самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тижорат банкларида исломий банк хизматларининг зарурлиги ва назарий асосларини ўрганиш ҳамда иқтисодий ўсишдаги аҳамиятини ёритиш;

исломий банк хизматларининг асосий тамойиллари ҳамда йўналишларини тадқиқ этиш;

анъанавий ва исломий банк хизматлари ўртасидаги тафовутлар ҳамда уларнинг ўзаро алоқадорлиги шунингдек, исломий банк хизматларини ўзига хос афзалликларини ўрганиш;

тижорат банкларида исломий банк хизматларини кўрсатишнинг амалдаги ҳолати ва унинг тавсифлаш;

ривожланган давлатлар ва Марказий Осиё давлатларида исломий банк хизматларининг жорий этилиши ва амалдаги ҳолатини ўрганиш;

Ўзбекистон тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва исломий банкинг хизматлари асосида интеграциясини амалга ошириш;

Ўзбекистонда исломий банк хизматлари фаолиятини ташкил этиш йўналишлари бўйича таклиф ва тавсияларни шакллантиришдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган тижорат банклари ва таҳлил қилиш учун танлаб олинган хорижий ислом банклари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети**ни тижорат банкларида исломий банк хизматларини ташкил қилиш билан боғлиқ иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда умумлаштириш, гуруҳлаштириш, таҳлилнинг мантиқий ва таққослама усуллари, абстракт-

---

<sup>4</sup> Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф “Бозор ва унга боғлиқ масалалар” Ҳилол нашриёти 2019.; Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф “Қарз ва унга боғлиқ масалалар” Ҳилол нашриёти 2019.; С.Аброров “Ўзбекистонда сукук-исломий кимматли қоғозларни жорий этиш истиқболлари” Диссертация, Тошнет 2020.; Nusrathujaev.X “Raising Islamic finance awareness in Uzbekistan” Islamic finance news 2020 pp17-18.; Х.Хасанов “Исломий молия асослари” китоб 5-қисм 13-боб Ўзбекистон Республикасида исломий молиялаштириш. Ўзбекистон 2019.; Бобоқулов Т “Ўзбекистон Республикаси банк тизимида омонат жалб қилиш билан боғлиқ мавжуд муаммоларни исломий банк маҳсулотларини жорий этиш орқали бартараф этиш”. Логистика ва Иқтисодиёт 2020 №3-С10-17.

мантикий фикрлаш, қиёсий таҳлил, статистик, истиқболли прогнозлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тижорат банкларида исломий банк хизматларини вадиа ва мудораба шартномаси асосида йўлга қўйиш орқали аҳоли ва бизнес вакиллари ихтиёрида бўлган бўш турган пул маблағларини депозитга жалб қилиш тартиби таклиф этилган;

тижорат банкларида исломий молиялаштиришни мушорака шартномаси асосида молиялаштирилган лойиҳаларда фойда ва зарарни бўлишиш ёрдамида бизнес субъектларини қўллаб -қувватлаш билан кўпроқ миқдорларни жалб қилиш таклиф этилган;

исломий банк хизматларини ташкил қилиш молия бозорида диверсификация даражасини ошириши ва рақобатни кучайтириши илмий асосланган;

тижорат банклари қошида исломий банк хизматлари тузилмасини ташкил қилиш орқали халқаро исломий молиявий ташкилотлардан молиявий ресурсларни фаол жалб қилиш таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тижорат банклари қошида исломий банк хизматлари тузилмасини ташкил қилиш орқали халқаро исломий молия ташкилотларининг молиявий ресурсларини фаол жалб қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

тижорат банкларида исломий банк хизматларини ташкил қилиш орқали банк даромадини ошириш, иш ўринлари яратиш илғор хориж тажрибалари асосида асослаб берилган;

банк кредитлари фақатгина банкнинг манфаатига қаратилганлиги агарда, кредит олган тадбиркор зарар кўрса ёки кредит фоизини тўлаш муддатидан кечиктирса, ўтган ҳар бир кун учун қўшимча фоиз ундириш каби муаммолар исломий молиялаштириш орқали адолатли ҳал қилиниши исботлаб берилган;

Covid 19 пандемиясининг мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсирини камайтириш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли кўлидаги бўш пул маблағларини ва чет эл инвестициясини жалб қилиш, бўш иш ўринларини яратиш, шунингдек банклар ўртасида рақобат муҳитини янада кучайтириш мақсадида исломий банк хизматларини ташкил қилиш Марказий Осиё ва ривожланган давлатлар тажрибаси асосида исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тижорат банкларида исломий банк хизматларининг зарурлиги ҳамда уни ташкил қилишнинг назарий ва амалий муаммоларига бағишланган маҳаллий ва хорижий олимлар ҳамда мутахассисларнинг илмий қарашларини тадқиқ қилинганлиги, маълумотларни расмий манбалардан олинганлиги, шунингдек халқаро ташкилотларнинг очиқ статистик маълумотлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларидан олинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, мамлакатимиз йирик тижорат банклари ҳисобот ва маълумотларини таҳлили билан белгиланади.



**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти доирасида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар тижорат банкларида исломий дарча очиш ва уни самарали фаолият юритишида ёрдам бериши, банк хизматлари сони ва сифатини оширишда, шунингдек, бу борада амалга оширилаётган тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги орқали намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти доирасида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар банк тизимида рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича замон талабларига жавоб берадиган хизматларни йўлга қўйиш ҳамда банкларимиз халқаро молия бозорларига чиқиб, арзон ва узоқ муддатли ресурслар олиб келиши, халқаро исломий банклар маблағларини жалб қилишда ва бошқа шу йўналишда олиб борилаётган амалиётларда, шунингдек, олий таълим муассасаларида исломий банк иши бўйича ўқув услубий мажмуа, ўқув қўлланма, дарслик ва бошқа материаллар учун фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тижорат банкларида исломий банк хизматларини ривожлантириш йўналишлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тижорат банкларида исломий банк хизматларини йўлга қўйиш орқали аҳоли ва бизнес вакиллари ихтиёрида бўлган бўш турган пул маблағларини депозитга жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини жорий этиш таклифи “Трастбанк” ХАБ ва АТ “Алоқабанк” томонидан амалиётга жорий этилган (“Трастбанк” ХАБнинг 2020 йил 1 декабрдаги 01-33/2894–сон ва АТ “Алоқабанк”нинг 2020 йил 15 декабрдаги 25-09/4284–сон маълумотномалари). Ушбу таклифнинг самараси ўлароқ исломий банк хизмати, яъни мудораба шартномаси асосида жалб қилинган депозит (омонат) маблағлари бўйича жорий ва жамғарма ҳисобварақлар (ҳисоб рақамлар) очиш банкнинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши белгиланган;

тижорат банкларида исломий молиялаштиришни жорий этиш орқали молиялаштирилган лойиҳаларда фойда ва зарарни бўлиши ёрдамида бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш орқали мижозларни кенгроқ жалб қилиш таклифи “Трастбанк” ХАБ ва АТ “Алоқабанк” томонидан амалиётга жорий этилган (“Трастбанк” ХАБнинг 2020 йил 1 декабрдаги 01-33/2894–сон ва АТ “Алоқабанк”нинг 2020 йил 15 декабрдаги 25-09/4284–сон маълумотномалари). Ушбу таклифнинг жорий этилиши натижасида исломий молиялаштиришнинг шерикчиликка асосланган шартномалари орқали бизнес субъектларига маблағлар ажратиш банкнинг ривожланиш стратегиясига киритилиши белгиланган;

исломий банк хизматларини ташкил қилиш орқали молия бозорининг диверсификация даражасини ошириш ва рақобатни кучайтириш таклифи “Трастбанк” ХАБ ва АТ “Алоқабанк” томонидан амалиётга жорий этилган (“Трастбанк” ХАБнинг 2020 йил 1 декабрдаги 01-33/2894–сон ва АТ “Алоқабанк”нинг 2020 йил 15 декабрдаги 25-09/4284–сон маълумотномалари). Мазкур таклиф асосида мудораба, муробаха, мушорака

ва ижара шаклидаги исломий банк хизматларининг жорий қилиниши банк хизматлари турларининг кенгайиши ва рақобатбардошлигининг ошишига имкон яратган;

тижорат банклари қошида исломий банк хизматлари тузилмасини ташкил қилиш орқали халқаро исломий молия ташкилотларининг молиявий ресурсларини фаол жалб қилиш таклифи “Трастбанк” ХАБ ва АТ “Алоқабанк” томонидан амалиётга жорий этилган (“Трастбанк” ХАБнинг 2020 йил 1 декабрдаги 01-33/2894–сон ва АТ “Алоқабанк”нинг 2020 йил 15 декабрдаги 25-09/4284–сон маълумотномалари). Ушбу таклифни амалиётга жорий этиш натижасида 2019 йилда муробаҳа шартномаси асосида “Трастбанк” ХАБ томонидан Хусусий секторни ривожлантириш ислом корпорацияси (ХСРИК)дан 7 млн. АҚШ доллари жалб қилиниб, 4 та корхона молиялаштирилган; Халқаро ислом савдо молия корпорацияси (ХИСМК)дан 4 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағлар жалб қилиниб, 4 та корхона ҳамда 2020 йилда 8 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағлар жалб қилиниб, 6 та корхона молиялаштирилган; 2019 йилда муробаҳа шартномаси асосида АТ “Алоқабанк томонидан Хусусий секторни ривожлантириш ислом корпорацияси (ХСРИК) дан 10 млн. АҚШ доллари жалб қилиниб, 6 та корхона молиялаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, жумладан 4 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этган илмий нашрларда 3 та илмий мақола, шундан 2 таси республика ва 1 таси нуфузли хорижий журналларда, халқаро ва республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияларда 6 та маъруза тезислари нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган ҳолда 122 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, шунингдек, тижорат банкларида исломий банк хизматларини ташкил қилишнинг зарурлиги асослаб берилган. Шунингдек, киришда тадқиқот ишининг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти баён этилган, натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар сони ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар баён этилган.

Диссертация ишининг биринчи боби **“Тижорат банкларида исломий банк хизматларини кўрсатишнинг ташкилий ва назарий асослари”**га бағишланган бўлиб, мазкур бобда ислом банки тушунчасининг иқтисодий моҳияти ва уларнинг таснифланиши, жаҳонда ислом банкининг шаклланиши ва ривожланишининг концептуал асослари иқтисодчи олимларнинг илмий қарашларини қиёсий таҳлил этиш орқали ёритилган.

Исломий банклар деганда шариат (Исломий қоидалар) тамойилларига мос келадиган банк хизматларини амалда қўллайдиган банк ёки банк фаолияти тизими тушунилади. “Ислом иқтисодиёти” атамаси илк бор ҳиндистонлик мусулмон олими Саййид Маназир Филонийнинг 1947-йилда урду тилида чоп этилган “Ислом иқтисодиёти” китобида фойдаланилган. Саудиялик иқтисодчи олим Муҳаммад Умар Чапранинг фикрича, ислом иқтисодиёти ноёб ресурсларни ислом дини таълимотига мувофиқ равишда тақсимлаш воситасида инсон фаровонлигига эришиш учун ёрдам берувчи билимлар тармоғини ўзида акс эттиради.<sup>5</sup>

Ушбу мавзу доирасида олиб борилган тадқиқот натижасида олимларнинг исломий банк тўғрисида берилган таърифларини таҳлил қилиб, исломий банк хизматлари ва ислом банки бўйича қўйидагича муаллифлик таърифини бердик.


Исломий банк хизматлари – тижорат банклари қошида алоҳида бўлим ёки филиал кўринишида ташкил қилинган бўлиб, жисмоний ва юридик шахсларга ислом шариати асосида кўрсатиладиган банк хизматлари мажмуидир.

Исломий банк –“Ислом шариати асосида банк ҳисобварақларини очиш ва юритиш, тўловларни амалга ошириш, омонатларга пул маблағларини жалб этиш, жисмоний ва юридик шахсларни молиялаштириш ҳамда бошқа банк хизматларини амалга оширувчи тижорат ташкилотидир”. Шариат (Ислом дини қонунлари мажмуаси) ушбу операцияларнинг қонуний бўлишини талаб қилади. Яъни, шариат томонидан рухсат бериладиган жамият учун хавфсиз бўлган ишлаб чиқариш лойиҳаларини молиялаштиради ва ҳар қандай операциялар бўйича фоизларни тўлаш ёки олишни тақиқлайди.<sup>6</sup> Юқоридаги олимларнинг фикрларини ўрганиб ,хулоса қиладиган бўлсак, исломий банк

<sup>5</sup> Е.А.Байдаулет “Исломий молия асослари” Ўзбекистон 2019

<sup>6</sup> Bashir, A., Hassan, M. (2004), “Determinants of Islamic Banking Profitability”, ERF Paper, 10th Conference.

шариат тамойиллари асосида мижозларга хизмат кўрсатадиган тижорат ташкилотидир. Қуйида ислом банклари ривожланиш эволюциясини кўрамиз.



**1-расм. Исломий банк ва молия тизимининг ривожланиш босқичлари<sup>7</sup>**

Бугунги кунда ислом молиясининг учдан икки қисми ислом банкларида жамланган.<sup>8</sup> Исломий банк хизматлари молиявий-иқтисодий муносабатлари ислом шариати асосида тартибга солиниб, қуйидаги кетма-кетликда келади : Қуръон Карим, Ҳадиси Шариф, Ижмо ва Қиёс<sup>9</sup>. Ислом молиясини асосий тамойиллари қуйидагилар:

Рибо (фоиз) ҳар қандай кўриниши тақиқланган. Бу оддий қилиб айтганда, пулни қарзга фоиз эвазига бериш ёки пулни ҳеч қандай меҳнат қилмай кўпайтириб олиш тушунилади.

Ғорар -бу одамлар ўртасидаги муомалада бир томон иккинчи томонга нисбатан ахборотдан етарлича хабардор эмаслик ҳисобланади. Бунда сотувчи ва харидор товар ҳақида тенг маълумотга эга бўлиши керак. Буни шариат томонидан тақиқлашдан асосий мақсад бир томоннинг иккинчи томонга нисбатан ноҳақ устунликка эга бўлишини олдини олишдан иборатдир. Ғорар умуман қўшимча нарса яратмайди балки, кимнидир ютқизиши ёки зарар кўриши эвазига даромад олинади.

Майсир-иқтисодий ноаниқлик ва асосланмаган тадбиркорлик rischi сифатида намоён бўлади. Бунга мисол қимор ўйини, яъни бойликни меҳнатсиз бошқа бировни зарар кўриши эвазига тасодифан қўлга киритишдир.

<sup>7</sup> Муаллиф ишланмаси

<sup>8</sup> Islamic Finance Outlook 2020 Edition, p37

<sup>9</sup> Е.А.Байдаулет “Ислом молияси асослари” Ўзбекистон 2019, 7 бет

Исломий банк хизматлари иқтисодий ривожлантиришда қуйидаги афзалликларга эга:

Ислом иқтисодий муайян шахсга бойлик орттириш ва иқтисодий фаровонликни ошириш ҳуқуқини бериш орқали иқтисодий фаолиятни амалга оширишда ҳалол (рухсат берилган) ва ҳаром (тақиқланган ёки ноқонуний) йўлларни чегарасини белгилаб беради. Ислом кенг маънода иқтисодий ёки ижтимоий жихатдан зарарли бўлган барча фаолият турларини тақиқлайди. Масалан, қиморбозлик ёки гиёҳванд моддалар етиштириш, уни олди-сотдиси билан шуғулланиш ва бошқа мисолларни келтириш мумкин.

1. Исломда шахснинг қонуний йўл билан олинган мол-мулкни тасарруф қилиш ҳуқуқини тан олиш билан, шахсга ўз мол-мулкни оқилона сарфлашни ва уни тежашни, беҳуда сарфламаслик буюрилади ҳамда исроф қилиш тақиқланади.

2. Бирор кишига ортиқча мол-мулкни сақлашга рухсат берар экан, Ислом жамиятнинг фаровонлиги учун ортиқча даромаднинг маълум бир қисмини закот тизими орқали, камбағал, аҳолини ёрдамга муҳтож қисмига тақсимлайди.

3. Инсон табиатига хос бўлган бойлик тўплаш ва ундан фойдаланишни тартиблантиради. Ушбу тизим бир неча одамнинг қўлида бутун жамият бойлигининг тўпланишига ва фақат улар томонидан тасарруф қилинишига рози бўлмайди. Шунингдек, мерос қолдириш ва уни тақсимлаш ҳам белгиланган мезонлар асосида тартибга солинади.

4. Умуман олганда, Ислом томонидан назарда тутилган иқтисодий тизим ижтимоий адолатни мақсад қилиб қўйган, бу эса якка тартибдаги корхона ёки тадбиркорни нафақат жамоа, балки якка ўзига ўзи зарар етказишини олдини олади.

Иқтисодий ривожлантиришда пулга бўлган муносабат ислом иқтисодий тубдан фарқ қилади. Ислом иқтисодида пулга алмашув воситасида сифатида қаралиши аниқланди. Пул ва маҳсулотнинг ўртасидаги асосий фарқлар қуйидагилардир:


(а) Пулнинг ўзи бирор қийматга эга эмас. Ундан бевосита инсон эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиб бўлмайди. Уни айрим маҳсулот ёки хизмат турларини сотиб олиш учун қўллаш мумкин холос. Маҳсулотдан эса, бевосита фойдаланиш мумкин.

(б) маҳсулот турли сифатга эга бўлиши мумкин ва шундан келиб чиққан ҳолда маҳсулот олди-сотди шартномалари муайян маҳсулот устида амалга оширилади, пул эса қиймат ўлчови ва алмашув воситаси бўлиб, бундан бошқа сифатга эга эмас. Айнан шу фарқлар туфайли ислом ҳуқуқи пулга, маҳсулотдан фарқли ўлароқ ўзгача муносабатда бўлган, бу айниқса қуйидаги икки мисолда яққол кўзга ташланади:

Биринчидан, (бир хил қийматга эга бўлган) пул бошқа маҳсулотлар каби савдо моли саналмайди. Ундан фойдаланиш унинг асосий вазифаси билан чекланган, яъни у айирбошлаш (алмашув) воситаси ва қиймат ўлчови холос.

Иккинчидан, агар пулни пулга алмаштириш (масалан майдалаш) ёки уни қарзга олиш керак бўлса, тўлов икки тарафдан бир хил бўлиши керак, яъни бу амалиёт натижасида бир тараф иккинчи тарафга нисбатан кўпроқ пулга эга бўлиб қолиши мумкин эмас.

Бугунги кунда ислом банклари сони ва капитали шиддат билан ўсиб бормоқда. Қуйида ислом банклари сони бўйича салмоқли ўринда бўлган давлатларни кўрамиз (2-расм).



**2-расм. Глобал Ислом банклари капитали ва ислом банклари сони 2019 (трлн. АҚШ доллари).<sup>10</sup>**

Сити банкнинг маълумотига кўра бугунги кунда 300 дан ортиқ ислом банклари ва 200 дан ортиқ исломий дарчалар дунёнинг 67 давлатида фаолият кўрсатмоқда. Ислом банкларининг умумий капитали 2,5 триллион АҚШ доллоридан ошди.<sup>11</sup> Ислом банклари қуйидаги давлатларда ривожланган: Ирон, Қувайт, Малайзия, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирлиги, Туркия, Бангладеш, Покистон. Бундан ташқари ислом банклари АҚШ, Канада, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Ирландия, Лейксембург ва бошқа давлатларда ҳам фаолият кўрсатмоқда. Ислом банклари кредит тизимини адолатлилиги, нафақат олинган фойда балки, зарарни ҳам банк ва миждоз ўртасида тақсимланиши исломдан бошқа дин вакилларида ҳам катта қизиқиш уйғотишига олиб келди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб тижорат ва исломий банк вазифа ва функцияларини таққослаб ўтамыз.

<sup>10</sup> Islamic Finance Outlook 2020 Edition

<sup>11</sup> Citibank annual report 2018, Citi Research, Reuters, SNL Research

**Тижорат банки ва Исломий банк фаолияти ўртасидаги тафовутлар<sup>12</sup>**

<b>Тижорат банк</b>	<b>Исломий банк</b>
1. Пулни қиймати вақтга боғланади ва пулни риск билан қарзга беришдан фоиз ундирилади.	1. Пул товар ёки хизмат сифатида баҳоланмайди ундан фойдаланганлик учун қўшимча қиймат олиш мумкин эмас.
2. Битимлар молиявий асосга эга активлар асосида тузилади.	2. Битимлар реал активлар асосида тузилади.
3. Омонатга қўйилган пулларни маълум муддатда фоизи билан олишни кафолатлайди	3. Омонатга қўйилган пулларни маълум муддатда фоизи билан олишни кафолатламайди. Бу банк даромадига боғлиқ
4. Кредитни тўлаш белгиланган муддатдан ўтса, тадбиркор банкка кредитни қўшилган фоизи билан қайтариши баробарида ҳар бир ўтган куни учун пеня ҳам тўлаш керак бўлади.	4. Ислом банки кредитни белгиланган муддатдан кечиктириб тўлаши унга қўшимча пеня ундирилишига сабаб бўлмайди.
5. Тижорат банкни мижозлари билан алоқаси дебитор ва кредитор сифатида намоён бўлади	5. Ислом банкнинг статуси эса мижозлар билан шерик, инвестор, лизинг берувчи ва лизинг олувчи сифатида кўрилади
6. Омонатчилар банкнинг инвестициялар ва ликвидликни бошқариш фаолияти тўғрисида маълумотга эга бўлмайди.	6. Омонатчиларга банкнинг инвестиция ва бошқариш фаолияти тўғрисида маълумот бериб борилади
7. Жисмоний ва юридик шахслар банкдан олинган кредит эвазига қонунчиликда тақиқланмаган фаолият билан шуғулланиши мумкин.	7. Банк кредитдан қонунчиликда тақиқланмаган фаолиятдан ташқари шариатда ҳам тақиқланмаган фаолият тури билан шуғулланиши мумкин. Масалан, спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш, улар реализацияси билан шуғулланиш тақиқланади.
8. Пулни қарзга бериш ва фоизи билан белгиланган муддатда қайтариб олиш тижорат банкнинг асосий функцияларидан биридир	8. Бизнесга пул тикиб шерик бўлиш ва фойдадан улуш олиш ислом банкнинг асосий функцияларидан биридир
9. Молиялаштирилган лойиҳадан келадиган улуш олдиндан аниқ бўлганлиги сабабли, унинг ривожланиши ва амалга ошишига кам аҳамият берилади	9. Молиялаштирилган лойиҳадан келадиган улуш фойда ва зарарга боғлиқ бўлганлиги сабабли, унинг ривожланиши ва амалга ошиши банкнинг диққат марказида бўлади.

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, ислом банкида таваккалчилик қилмасдан хавф-хатарни зиммасига олмасдан ва бирор меҳнат сарфламасдан пул топиш, умуман ҳаётнинг барча асосий жабҳаларида бошқа шахс ва жамиятга таҳдид соладиган ёки зарар келтирадиган нарсалар ортидан пул топиш тақиқланади.

Ҳозирги кунда, ислом банклари ўзининг шариат асосида стандартларини ишлаб чиқди ва жаҳон ҳамжамиятида тижорат банклари билан тўлиқ рақобат қила оладиган даражага етган. Бугунги кунда исломий банк хизматлари анъанавий банкларнинг деярли ҳамма операцияларини

<sup>12</sup> Муаллиф ишланмаси.

тўлиқ қамраб олган. Улар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, савдо-сотик ва хизмат кўрсатиш соҳаларига маблағларининг катта қисмини инвестиция сифатида киритмоқда.

Бизнинг таҳлилларимизга кўра, мамлакатимиз тижорат банкларида исломий банк хизматларини зарурлиги қуйидагиларда намоён бўлади:

(а) Исломий банк аҳолисининг кўп қисми мусулмон бўлган аҳолидан кўпроқ маблағ жалб қилиш, яъни депозит йиғиш имкониятига эга. Айнан шу омил мамлакатимизда аҳолининг бўш пул маблағини жалб қилиш ва уни ишлаб чиқаришга инвестиция қилиш мумкин. Бундан, тадбиркор, банк ва миждоз бирдек манфаатдор бўлади. Шунингдек, нақд пулнинг аҳоли қўлида қолиб кетишини олдини олади ва банк орқали айланишини таъминлайди. Бу эса, ўз навбатида инфляцияни камайтиришга хизмат қилади.

(б) Тижорат банклари томонидан микроқарзлар ажратилиши имкониятининг етарли даражада мавжуд эмаслиги микроқарзларни олиш даражасини оширишни таъминламаяпти, микрокредит ташкилотлар ва ломбардларнинг хизматлари бўйича юқори фоиз ставкалари аксарият ҳолатларда истеъмолчиларнинг молиявий ҳолати ёмонлашишига олиб келмоқда. Ислом банки фоизли кредитлардан фарқли ўлароқ фойдани ёки зарарни тақсимлаш орқали молиялаштириш истеъмолчиларга кенг имкониятлар яратади.

(с) Фойда ва зарарни шериклар ўртасида бўлиниши тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлар ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларига кўшимча имкониятлар тақдим этади. Бу жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши учун ҳам муҳим рол ўйнайди.

Диссертация ишининг иккинчи бобида **Ўзбекистонда Тижорат банкларида исломий банк хизматларини кўрсатишнинг амалдаги ҳолати ва унинг тавсифи**, шунингдек, Марказий Осиё ва ривожланган давлатлар тажрибалари қиёсий таҳлил этилган, исломий банк хизматларини шакллантиришнинг иқтисодий-молиявий шарт-шароитлари баҳоланган ҳолда мамлакатимиз иқтисодиётида хорижий тажрибалардан фойдаланиш имкониятлари ёритилган.


Ўзбекистон Республикаси 2003 йил сентябрда Ислом тараққиёт банкига расман аъзо бўлгандан сўнг, 2004 йилдан бошлаб давлат стратегик аҳамиятига эга бўлган лойиҳаларни исломий молиялаштириш бошланди. Ушбу йилда соғлиқни сақлаш ва энергетика соҳаларидаги лойиҳаларни амалга оширишга “ижара” ва “муробаҳа” шаклидаги исломий хизматлардан фойдаланилди.

2019 йилда мамлакатда биринчи «Ўзаро» исломий суғурта компанияси ўз фаолиятини бошлади. Ўзбекистондагина эмас, балки МДХ давлатлари ичида биринчилардан бўлган электрон-Мурабаҳа (Мурабаҳа савдо битими асосидаги молиявий маҳсулот) платформаси ишлаб чиқилди. IsBF (Islamic Business and Finance) номли биринчи Ислом молия масалалари билан шуғулланувчи компания (асосий фаолияти ушбу соҳада консалтинг хизматлари кўрсатиш) ташкил этилди, ислом молияси соҳасида аҳоли саводхонлигини ошириш мақсадида “Ислом молияси” Телеграм саҳифаси ва



веб сайти ишга туширилди. Таиба Лизинг ва Ал-Мулк Капитал каби лизинг компаниялари эса кичик ва ўрта бизнес вакилларига ислом тамойиллари асосидаги ижара маҳсулотлари тақдим қилишни давом эттирмоқда.

Халқаро стандартлар билан қатъий белгиланган ва кўпчилик ислом банклари ўз фаолиятида фойдаланаётган асосий банк хизматларини уч гуруҳга бўлиб кўрсатиш мумкин (3-расм):



**3-расм. Исломий банк хизматларининг турлари.<sup>13</sup>**

Юқоридаги исломий банк хизматларидан биринчи босқичда Олди-сотди битимларини молиялаштиришга асосланган Муробаха ва Капиталда иштирок этишга асосланган Мушорака хизматларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги аниқланди. Чунки Муробаха шартномаси анъанавий банк хизматларига ўхшаб кетади ва фойдаланиш нисбатан осонроқ, Мушорака шартномаси ҳам амалиётда энг кўп қўлланиладиган инструменти билан бириктирилади. Ушбу банк хизматларидан фойдаланиш рискни камайитириши аниқланди. 2020 йил бошида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури доирасида «Ўзбекистонда исломий молия маҳсулотлари таҳлили» бўйича амалга оширилган тадқиқот ва унинг доирасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, банк кредитларидан фойдаланмасликнинг асосий сабаблари сифатида авваламбор, диний қарашлар, кредитлар бўйича юқори фоиз даражаси ва кредитлаштиришнинг мураккаблиги кўрсатилган бўлиб, агар мамлакатда ислом молия муассасалари ташкил этилса, юқоридаги сўровномада иштирок этган қатнашувчиларнинг аксарияти ушбу муассаса хизматларидан фойдаланишлари мумкинлигини эътироф этди.

<sup>13</sup> Е.А.Байдаулет, Х. Хасанов “Исломий молия асослари” Ўзбекистон 2019, 37-бет

**Тижорат банкларида исломий банк хизматларини ташкил этишининг SWOT таҳлили<sup>14</sup>**

<b>Кучли томонлари</b>	<b>Имкониятлар</b>
<p>1.Ўзбекистон иқтисодиётини молиялаштириш учун ИТБ гуруҳидан кўшимча маблағларни жалб қилиш;</p> <p>2.Кредит маблағларини мақсадли ва самарали ишлатиш;</p> <p>3.Жаҳон амалиётида исломий банклар барқарор ривожланиши ва молиявий иқтисодий инқирозга учрамаслиги;</p> <p>4.Ўзбекистон аҳолисини асосий қисми 95% мусулмонлар ташкил қилиши;</p> <p>5.Катта миқдордаги жамғармаларни жалб қилиш мумкин (мусулмон тадбиркорлар сонини кўп эканлиги) ва шу билан чакана ва корпоратив банк маҳсулотлари орқали банкларнинг депозит базасини ошириш мумкин;</p> <p>6.Хизматларнинг сифати анъанавий банк хизматларидан кам бўлмайди. Бу бир хил бозорда ўрнатилган банклар (фоизлар асосида) учун рақобатни кучайтиради.</p>	<p>1.Ўзбекистонда реал ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;</p> <p>2.Араб ва Осиё мамлакатларидан инвестицион маблағларни жалб қилиш ва маҳаллий иқтисодиётга йўналтириш;</p> <p>3.Ислом бозори, яъни Исломий ипотека, Ислом суғуртаси, янги инвестиция лойиҳалари ўсиши билан янги бозорлар пайдо бўлади;</p> <p>4.Исломий молиялаштириш тамойиллари ижтимоий тенгсизликни пасайтиришга ёрдам беради, ижтимоий адолатни ўрнатади;</p> <p>5.Муқобил банк хизматлари пайдо бўлиши эвазига аҳолининг банк хизматларидан фойдаланиш имконияти кенгаяди;</p> <p>6.Тижорат банкларида исломий дарчалар очилиши рақобатни кучайтиради ва мусулмонларга кенг имконият яратади; Судхўрликликдан қочиб банк кредитидан фойдаланмаётган мусулмон тадбиркорларига кенг имкониятлар тақдим қилади.</p>
<b>Кучсиз томонлари</b>	<b>Хатарлар</b>
<p>1.Тижорат банкларининг исломий банк хизматларини йўлга қўйишда қонуний ҳуқуқий базани мавжуд эмаслиги;</p> <p>2.Исломий банк хизматларида фаолият кўрсатувчи мутахассисларнинг етишмаслиги;</p> <p>3.Аҳоли ва тадбиркорларнинг исломий молиялаштириш хизматлари тўғрисида етарлича билимга эга эмаслиги;</p> <p>4.Аҳолининг янги молиявий хизматларга ишончсизлиги;</p> <p>5.Исломий банк хизматларида солиққа тортиладиган база бўйича муаммолар мавжудлиги;</p> <p>6.Исломий банклар капиталининг улуши камлиги ва йирик кредитлар ажратмаслиги;</p> <p>7.Мамлакат муфтийлари, уламолари ва олимлар банк тизими бўйича етарлича билимга эга эмаслиги.</p>	<p>1.Диний хурфот мамлакатда ислом банк фаолияти ўсишига тўсқинлик қилиши мумкин;</p> <p>2.Исломофобия. Исломий банк хизматлари терроризм ва экстремизм билан алоқадорлиги тўғрисидаги турли янглиш қарашларни мавжудлиги;</p> <p>3.Анъанавий банклар билан кучли рақобатнинг мавжудлиги;</p> <p>4.Исломий тамойилларни айримларини амалда четлаб ўтиш ва бутун тизимга нисбатан ишончсизликни келиб чиқиши;</p> <p>5.Йирик трансмиллий фирмалар, сармоявий банклар ва дунёнинг йирик иқтисодий кучлари томонидан ушбу тизим қўллаб-қувватланмаётганлиги.</p>

Анъанавий банклар ҳам Ўзбекистонда ислом молия муассасалари ташкил қилиш, банк тизимида ҳалол ва шаффоф рақобат юзага келиши, натижада мамлакатга сармоялар оқими ўсиши ва диверсификациясига олиб келиши ҳақида ўз фикрларини билдирганлар. Ўзбекистон Тижорат банкларида исломий банк хизматларини ташкил этишининг SWOT таҳлил қилинди. Х.Хасанов томонидан қилинган таҳлилни қайта ишлаб кенгайтиришга муваффақ бўлдик. Бунда, тижорат банкларида исломий

<sup>14</sup> Муаллиф ишланмаси

хизматларни йўлга қўйишга оид кучли ва ожиз томонлар, имконият ва хатарлар ўрганиб чиқилган (2-жадвал).

Марказий Осиё мамлакатларидан Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон исломий банк хизматларини йўлга қўйиш жараёни мувоффақиятли яқунланди ва ижобий тенденцияларга эришганлиги аниқланди.

Европада исломий молиялаштириш жадал ривожланмоқда ва кўплаб Европа иқтисодчилари янги бизнес очиш учун исломий банк хизматларидан фойдаланиш фойдали имконият деб ҳисоблашади. Ғарбий дунёда ислом банкчилигига биринчи уриниш Люксембургда 1978 йилда бўлиб ўтди ва Ислом банк тизими халқаро ҳолдинг муассасаси ташкил этилди. Ўша йили Ал-Барака компанияси Буюк Британияда ташкил этилди.<sup>15</sup> Шунингдек, 1983 йилда Данияда ҳам халқаро ислом банки ҳам тузилган.




**4-расм. Жаҳонда ислом банклари капиталининг 2012-2018 (2024 йил прогноз) йиллардаги ўзгариши (трлн. АҚШ доллорида)<sup>16</sup>**

Дунёнинг етакчи давлатлари ўтган асрнинг 70 -йилларидан бошлаб ислом банкчилиги ва молиялаштириш тамойилларини ўзларининг қонунчилигига киритишни бошлаганлиги аниқланди.

Қайд этиш жоизки, “Ислом дарчалари” жаҳоннинг кўплаб йирик илғор банкларида (ABN Amro, Bank of America, Barclays Plc., BNP-Paribas, Chase Manhattan, Citibank, Deutsche Bank, Goldman Sachs, HSBC, JPMorgan Chase, Lloyds Bank, Societe Generale, UBS ва бошқалар) мавжуд бўлиб, анъанавий банк маҳсулотларига тўлақонли муқобил ҳисобланувчи барча турдаги ислом банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.


<sup>15</sup> Conrad Hackett 1, Marcin Stonawski 2019, Projections of Yeurope’s Growing Muslim Population Under Three Migration Scenarios.

<sup>16</sup> ICD-REFINITIV Islamic Finance Development Report 2019



**5-расм. 2019 йилда Ривожланган мамлакатларда исломий банк хизматларини тақдим қилувчи банклар сони<sup>17</sup>**

